

ХР

# Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

14

(1072)  
5-aprel

2013

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



## Интернет исканжаси

**И**нтернет... У ҳақида нималарни биламиз? Улкан ахборот макони, муסיқа ва расмлар кўчириб олиш ва ижтимоий тармоқларда мулоқот ўрнатиш... Бори шуми? Албатта, бу унинг барча имкониятлари эмас. Ҳозирда глобал тармоқда истаган ишимиз билан шуғулланишимиз мумкин. Виртуал дўстлар орттирганлар, ҳатто унинг воситасида бахтли оила қурганлар қанча. Кимдир таълим олишда, кимдир яхши иш топиб, турмушини фаровонлаштиришда интернет кўмағига таянади. Глобал олам аксар хаста кишиларнинг даво топишига, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишига кўмакчи бўлмоқда. Вақтни тежаш, иш унумдорлигини ошириш ва ҳоказо ижобий тарафлари ҳақида яхши биламиз ва кўп бора таъкидлаганмиз. Аммо унутмаслик лозимки, ҳар бир нарсанинг ижобий хислати билан ёнмаёن салбий жиҳатлари ҳам бўлади. Интернетнинг салбий оқибатларини билиш ҳар биримиз учун зарур, бу кўникма бизга ўзига хос иммунитет ҳосил қилишимизга, ўзимизни ва фарзандларимизни ахборот технологиялари ҳамда интернет оламига тўғри йўналтиришимизга хизмат қилади. Айни шу мавзуда туркум мақолаларимизни эътиборингизга ҳавола қилиб боришни мақсад қилдик. Биринчи мақоламиз — интернетнинг инсон соғлиғига таъсири ҳақида.

5-бет

### Алоқа оламида

Mozilla компанияси ташкил этилган-лигининг 15 йиллигини Firefox 20 интернет-браузерини тақдироти билан нишонлади.

# 20



Windows, Mac va Android каби амалий тизимларга йўналтирилган бу браузерда фойдаланувчилар учун янги хавфсизлик чоралари кўрилиб, HTML5нинг янги функциялари татбиқ этилган, шунингдек, камера ва микрофонларни улашни кўзда тутувчи getUserMedia — дастур ёзиш тизимини тилга олиш мумкин.

Сўнги янгилик!

### Ушбу сонда:

- Масъулиятли вазифалар **2**
- Матбуот нашрлари вақтида етказилади **3**
- Ахборот технологиялари учун 3,8 трлн. доллар **4**
- Утвержден список интерактивных госуслуг **6**
- Ахборот махфийлиги **11**
- Биринчи кўнғирокқа 40 йил тўлди **15**

Теледастурлар, спорт, сканворд



## Jumadan Jumagacha

Шу йил 1 апрел куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Р.Холматов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тавсиясига кўра Андисон вилояти ҳокими лавозимда ишлаб келаётган Ахмад Тугулович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Жорий йил 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида 17та масала, шу жумладан, демократик ислохотларни босқичма-босқич ҳамда яziali чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга йўналтирилган 7та қонун кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтакавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғовiston Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди. ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йил 20 сентябр куни Россия Федерацияси ҳудудда ўтказиш тўғрисида келишиб олинди. Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оилавий қорхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Таппаббус-2013" кўрик-танловининг республика босқичи якунланди. "2013 йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясида "Rubber trust" хусусий қорхонасининг раҳбари Абдулҳошим Исмоилов (Андисон вилояти) нолиб бўлди. Қорақалпоғистонлик Байрамқилич Дадебаев "2013 йилнинг энг яхши фермери", деб топилди. Бухоролик Махфуза Салимова эса "2013 йилнинг энг яхши хунарманди", деб эълон қилинди. Уларга Президент совғаси — "Spark" автомобилари тоширилади.

Мамлакатимизга ташир буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ички ишлар вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик бош босқичмаси бошлиғи Абдулла бин Муҳаммад ал-Хуверений раҳбарлигидаги делегация аъзолари 2 апрел куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари Адхам Аҳмедбоев билан учрашди. Ички ишлар вазирлигида бўлган учрашувда терроризм, экстремизм ва тийхвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлиси Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.



HA'Y'AT YIG'ILISHIDA

# Масъулиятли вазифалар

Навбатдаги Ҳайъат йиғилишида малакали кадрлар тайёрлаш, электрон рақамли имзо ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳамкорликдаги ишлар таҳлил қилинди

Ҳайъатда Тошкент ахборот технологиялари университети фаолияти билан боғлиқ иккита масала кўриб чиқилди. Ҳар икки масала бўйича Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари — ТАТУ ректори Х.Мухитдинов маъруза қилди. "ТАТУнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, малакали кадрларни тайёрлаш ва таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва устувор вазифалар тўғрисида"ги биринчи масала селектор орқали муҳокама қилинди.

Маърузачи ТАТУнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, малакали кадрларни тайёрлаш ва таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва устувор вазифалар тўғрисида маълумот берар экан, университет ва унинг филиаллари томонидан 17та қорхона ва ташкилот билан ҳамкорлик шартномалари имзолангани, шундан, олтитаси республика телекоммуникация хизматлари бозорида фаолият олиб бораётган хорижий ишлаб чиқариш қорхоналари эканлиги алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги кунга келиб, университет ва унинг филиалларида барча маъруза дарслари мультимедиа воситаларидан (проектор ва электрон доска, моторли экран) фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳомийлигида ўқув жараёнига 160та компьютер ва 27та ноутбук, 43та проектор ҳамда 43та моторли экран олинган бўлиб, университет ва унинг филиалларидаги барча маъруза синфлари, 17та мультимедиа синфлари ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланган. "Ўзбектелеком" АК томонидан университет ва унинг филиаллари талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун 3000 донга нетбук ажратилди, шундан университетта 1800 донаси, ҳудудий филиалларида 1200 донаси тақдим этилди.

Қўмита ва Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан ишлаб чиқилган моддий-техник базани уч босқичда ривожлантириш чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 28та замонавий ўқув лаборатория стендлари харид қилинди ва университет ва филиалларнинг ўқув лабораториялари замонавий қурилмалар

билан жиҳозланди. Умуман, 2011-2012 йилларда университет ва филиалларида соҳа қорхоналари билан ҳамкорликда 39та ўқув лаборатория синфи ташкил этилди.

Кафедра филиаллари сони университет бўйича жами 29тани ташкил этади. Бу ишларни давом эттириб, 2013 йилда университетда 8та ва унинг филиалларида 9та мутахассислик кафедраларининг 17та фи-

**Университетда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб, машгулотлар инглиз тилида олиб бориладиган 11та таълим йўналиши ва иккита мутахассислик ажратиб олинди ва булар учун 19та фандан 23 нафар профессор-ўқитувчи инглиз тилида машгулотлар ўтказиши режалаштирилмоқда.**

лиалини соҳа қорхоналарида ташкил этиш бўйича зарур ишлар олиб борилмақда.

2012 йилда ТАТУ ва унинг ҳудудий филиаллари бўйича 14 нафар ходим номзодлик диссертацияларини химоя қилди, 21 катта илмий ходим-изланувчи ва 30 нафар тадқиқотчи 7та ихтисослик бўйича докторлик иши устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ТАТУ ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари билан алмашув дастурлари имзоланган ва амалга ошириб келиняпти. Бакалавриатура бўйича жаҳоннинг илғор 5та университетидан 9 нафар, магистратура бўйича 8та университетдан 13 нафар, докторантурада Германия, Франция, Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикасида 14 нафар талаба таҳсил олмақда. ТАТУда эса ХХР, Қозғовiston, Россия ва Туркманистон давлатларидан 9 нафар талаба таҳсил олмақда.

Ахборот-коммуникация соҳасида халқаро тажриба алмашиш ва таълим сифатини ошириш мақсадида Жанубий Корея ва Япониядан юқори малакали тўрт нафар профессор ўқув жараёнига жалб қилинди, икки на-

фар волонтер Фарғона ва Урганч филиалларида фаолият олиб бормоқда.

"Тошкент ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон ва 29 декабрдаги 371-сон қарорларининг бажарилиши ҳақида"ги масала бўйича ҳам университетда аниқ режалар асосида ишлар олиб борилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Ҳайъат йиғилишида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4455-сон фармони ижроси доирасида интернет орқали электрон рақамли имзони ишлатган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси бўлим бошлиғи Н.Султон-Муҳамедов маъруза қилди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 июндаги Ф-3858 фармойишининг ижроси тўғрисида"ги навбатдаги масала бўйича Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Махмудов ахборот берди. Ахборотчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 июндаги Ф-3858 фармойиши асосида "Ўзбектелеком" АК, ОАТ "Алоқабанк", Хитой ривожлантириш банки (СДВ) ва "Huawei Technologies Co., Ltd." (Хитой) компаниялари ўртасида имзоланган тўрт томонлама ҳамкорлик Меморандуми ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тармоқ жадвалларида асосан "Huawei Technologies Co., Ltd." компанияси билан бирга тўртта лойиҳа амалга оширилаётганини маълум қилди.

Жумладан, хозирда "CDMA-450 мобил тармоғини EVDO технологияси қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида, шу жумладан, қишлоқ жойларида ривожлантириш", "FTTx технологияси асосида кенг полосали оптик тармоқларни ривожлантириш", "Ўзбектелеком" АК магистрал тармоғини Ўзбекистон Республикаси туман марказларига гача захиралаш ва кенгайтириш", "АКТ ва бошқа соҳа коллежаларини Ўзбекистон Республикаси "Электрон таълим" тармоғига улаш" лойиҳалари бўйича Техник топшириқ ва Дастлабки техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳаларни бажариш мuddатлари 2012-2014 йилларга мўлжалланган. Айни пайтда мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун "Ўзбектелеком" АК ва "Huawei Technologies Co., Ltd." компаниялари ўртасида шартномалар тузиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мажлис кун тартибидagi масалалар юзасидан қилинган маъруза ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Ҳайъатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситаларини аҳолига етказишда янада қулай шарт-шароит яратиш ва хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



## Юртни кезган хайрли тадбир

"Хаёт учун!" хайрия марафони — Навойида

Хар қандай савобли ва хайрли ташаббус ва тадбир тез қанот ёзади, тез оммалашади. Диллардан дилларга кўчиб, ҳаммани ўз атрофига жипслаштиради. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган "Биз — бир жамоа, биз — бир оила" акцияси ҳам худди ана шундай тадбирлардан бири сифатида Ўзбекистон ҳаётида из қолдирмоқда.

# Матбуот нашрлари вақтида етказилади

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Тожибоева, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директорининг ўринбосарлари Б.Кубеев ҳамда Ш.Абдиқаримовлар ОАВ вакиллари саволларига жавоб бердилар.

Бугунги кунда даврий нашрларни тарқатиш бозорига бошқа тарқатувчилар каторида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳам фаолият кўрсатиб, даврий нашрлар тарқатилишини обуна расмийлаштириш йўли билан ҳамда чакана савдо орқали амалга ошириб келмоқда. Почта корхоналарининг энг долзарб вазифаларидан бири газета ва журналларни республиканинг барча вилоят, туман ва чекка ҳудудларига киска мuddатларда етиб боришини таъминлашдир.

Даврий нашрларни ўз вақтида етказиб беришда жамият таркибидаги 14та ҳудудий филиал ва битта ихтисослаштирилган "Халқаро почта" филиали, 187та туман ва шаҳар почта алоқаси тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш участкалари, 2986та (шундан 2227таси қишлоқ алоқа бўлимлари) почта алоқаси бўлимларини бирлаштириб, почта жўнатмаларини ўз вақтида етказиб беришда 30та авиа, бир темир йўл ҳамда 482та автомобил почта ташishi йўналишлари фаолият кўрсатмоқда.

Почта жўнатмалари ва даврий нашрларни аҳолига етказиб бериш учун 6 427та участка ташкил этилган бўлиб, унда 6 мингдан ортиқ почтачилар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи аҳолига почта алоқаси хизматларини кўрса-

тиш билан бир қаторда, даврий нашрларни обуначиларга ўз вақтида етказиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг 200дан ортиқ бориш қийин бўлган ва чекка аҳоли пунктлар учун почта алоқасининг анъанавий ва замонавий хизматларини кўрсатиш ва даврий нашрларни етказиш бўйича 20та кўчама

мақсадида аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган 840та "Матбуот" дўконлари орқали матбуот нашрларига обуна қилиш ишлари ташкил қилинди, дўкон сотувчилари обуна уюштириш билан боғлиқ барча хужжатлар, обуна бланкалари ва каталоглар билан таъминланди. Компанияда веб-сайтдан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали обуна қабул қилиш йўлга қўйилди. Тизимда обунанинг бориши бўйича онлайн маълумотларини олиш имкони яратилган.

Республикада бугунги кунда барча тўлов турлари бўйича пластик картчалардан кенг миқёсда фойдаланиш йўлга қўйилган. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида компания шохобчаларида ҳам терминаллар сони 224тага қўпайтирилди. Компания фойдаланувчиларнинг бадий адабиётлар ва бошқа ўқув кўролларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат қилмоқда. Чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 номдаги китоблар савдога чиқарилган бўлса, бугунги кунда 1400га яқин ҳар хил китоб махсуслотлари "Матбуот" дўконлари орқали сотувга қўйилган.

Матбуот анжуманида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК мутасаддилари бундан кейин ҳам матбуот тарқатиш ишини янада такомиллаштириш, даврий нашрларни муштарийлар кўлига киска мuddатларда сифатли етказиб бериш учун барча зарур чоралар кўрилишини билдиришди.

**"Ўзбекистон почтаси" автопарки 544та автомашинага етказилди, шундан 248таси янги ҳамда "Халқаро почта" филиалига тўртта "Исузу" автомашина олинган. Бундан ташқари, корхона томонидан почтачиларга 2650та велосипедлар ажратилган.**

почта алоқаси бўлимлари ташкил этилган.

Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг расмий веб-сайтида филиаллар бўйича обуна каталогининг электрон нусхаси жойлаштирилган. Обуначилар ўзларига керак бўлган даврий нашрлар ҳамда уларнинг обуна нархлари билан танишишлари мумкин.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан ҳам 2013 йил обуна мавсумини уюштиришда янада қулайлик яратиш

Ўз мухбиримиз

## Ахборот хуружлардан холи бўлсин

М.Тошмухаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида вилоят ҳокимлиги, Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали ҳамкорлигида "Глобаллашув жараёни ва ахборот хуружлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатини вилоят ҳокимининг ўринбосари Асрор Жўраев кириш сўзи билан очди.

Маълумки, сўнги давларда мафкуравий таҳдиддан иборат ахборот хуружлари, ёлгон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни бошқаришга уриниш, миллий-маънавий кадриятларни емириш, менталитетимизга мутлақо зид бўлган ғояларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш каби таъсирлар кенг тарқалиб бормоқ-

да. Айрим нопок кучларнинг бошқа бир давлатнинг конституциявий тузумига таъвоуз қилиш, тинчлик ва осойишталикка раҳна солиш, фаровон ҳаётни бузиш ҳамда халқнинг юрагига ваҳима солиш орқали кишиларнинг эртанги кунга ишончини йўқотишдан иборатдир.

Хозирги текзор замонда ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусияти ахборотнинг энг қимматбаҳо товар сифатида экспорт қилинишида намоён бўлмоқда. Бироқ бундай манбаларнинг орасида мафкуравий жиҳатдан ғаразли ғоялар билан суғорилган ахборотлар ҳам йўқ эмас. Давра суҳбати ана шу масалаларга қаратилди.

Тадбир сўнгида театр жамоаси томонидан "Ғаройиб севги ёхуд донишманд уста" номли спектакл намойиш этилди.

А.ИСМОИЛОВ

— Биз бу тадбирда биринчи бор иштирок этаймиз, — дейди Навоий давлат педагогика институтини хузуридаги ахборот технологияларига ихтисослашган 3-академик лицей ўқувчиси Ойбекжон Хушназаров. — Ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниктирадиган бундай тадбирлар биз ёшлар ҳаётида катта бурилиш ясаши, бизни тўлқинлантириши табиий. Бугун барча тенгдошларимиз билан ана шу тадбирдан олам-олам таасиротлар олдик.

— Ёшларга ўзига хос сабоқ бўладиган бу тадбир ҳақиқатан ҳам эътирофга сазовор, — дейди ушбу лицейнинг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ўқтам Холиқов. — Талабаларимиз хайрия марафонида ҳам, тадбир доирасида ўтказилган семинар тренингларда, саралаш босқичларида ҳам иштирок этганидан мамнунмиз.

— Мен ҳам Ёшлар саройининг ёш лидерлар тўрагаги аъзоси сифатида тадбирнинг саралаш босқичларида иштирок этиб, танловдан ўтдим, — дея суҳбатга қўшилди Алишер Боймуродов. — Савол-жавоблар жуда қизгин ўтди. Ва 70дан ортиқ йигит-қизлар иштирок этган танловда танлаб олинган 12 нафар навоийлик фаол ёшлар каторидан мен ҳам жой олдим.

"Хаёт учун!" хайрия акцияси навоийликлар хотирасида узок вақт қоладиган бўлди.

Маруса ҲОСИЛОВА,  
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири



## Xalqaro hayot

ЛИВИЯ бош вазири Али Зайдан Триполи Мисрга 2 миллиард доллар миқдорда молиявий ёрдам кўрсатиш масаласини кўриб чиқаётганини тасдиқлади.

Бир неча кун аввал Ливиянинг Қоҳирадаги элчихонаси Триполи Миср Марказий банкига депозитга 2 миллиард доллар ўтказмоқчи эканлигини хабар қилган эди. Бундан ташқари, Миср иқтисодиётини қўллаш мақсадида Ливия Мисрга бир ойда келишилган нархда 1 миллион баррелгача нефть етказиб беришга тайёр.

Миср ҳам, Ливия ҳам ҳозир жиддий иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Бироқ Ливия ҳукумати Мисрнинг учта йирик банклари устав фондида каттагина ҳиссага эга.

2001 йил — НАТОнинг "Енгилмас озодлик" амалиёти бошлангандан бери Афғонистонда героин тайёрлаш 40 фоизга кўпайди, дея маълум қилган таҳлилчилар. Шу пайтгача афғон героиндан нобуд бўлганлар сони дунё бўйича бир миллиондан ошди.

АФҒОНИСТОНнинг Фараҳ шаҳридаги маҳкама ва унга яқин давлат идораларига жангарилар томонидан ҳужум қилиниши оқибатида, расмийлар хабарларига кўра, камида 50 киши ҳалок бўлган, 90дан ортиқ одам яраланган. Уларнинг аксарияти тинч фуқаролар бўлгани айтилмоқда. Ҳужум учун масъулиятни Толибон ўз зиммасига олган.

Маълумотларга кўра, жангарилар 15 нафар сафдошларини маҳкама залидан озод қилишни режалаштирганлар.

БИРМАдаги мусулмон мактабларидан бирида ёнгин чиқиши оқибатида 13 киши ҳалок бўлди. Полиция берган маълумотларга қараганда, Рангундаги мактабда ёнгин чиқишига электр симларнинг носозлиги сабаб бўлган.

Ҳозир Бирмада диний низолар туфайли зўравонлик кучайган. 20 мартдан бери буддистлар ва мусулмонлар тўқнашувлари давомидида 40 киши ўлдирилган, мамлакатнинг айрим ҳудудларида эса қўмондонлик соати жорий қилинган.

АҚШ президенти Барак Обама Американинг собиқ президенти Жон Кеннедининг қизига АҚШнинг Япониядаги элчиси лавозимини таклиф қилди. Кэролайн Кеннеди 2008 ва 2012 йилларда сайловолди кампанияларида Барак Обаманинг номзодини қўллаб-қувватлаган эди.

МАДАГАСКАРга чигиртка ёғилиб, мамлакат ҳудудининг деярли ярмини эгаллаб олди. Бундай ҳодиса Мадагаскарда ярим асрдан бери содир бўлмаётган эди.

БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг маълумотларига кўра, асосий ўсимликлар хавф остида қолган, бу эса мамлакатда оммавий очликка сабаб бўлиши мумкин. Чигирткага қарши кураш учун зудлик билан 22 миллион доллар ажратиш лозим. Агар чора кўрилмаса, бу ҳодиса об-ҳаво шароитига қараб бешдан ўн йилгача чўзилиши мумкин. 2013 йил сентябригача эса мамлакат ҳудудининг учдан икки қисми чигиртка таъсири остида қолади. Зараркунандаларга қарши курашиш учун ҳукуматда маблағ йўқ. Чигирткалар асосан яйлов ва шולי экилган далаларга хавф туғдирмоқда. Гуруч эса Мадагаскарда асосий озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.


## Gartner: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УЧУН 3,8 ТРЛН. ДОЛЛАР

Мазкур компания таҳлилчилари ҳисоб-китобларига кўра, жорий йилда жаҳон бўйича ахборот технологиялари учун сарф-харажатлар 2012 йилдагига нисбатан 4,1 фоизга ўсиб, 3,8 трлн. долларни ташкил этади. Таҳлилчи Ричард Гордоннинг сўзлашича, яқинда АҚШ бюджетидан юз берган қисқаришлар, Кипрдаги банк кризиси ва умумевропа иқтисодий муаммолари жаҳон АКТ-бизнесини нобарқарор ва мўрт ҳолатга келтириб қўйди, қолаверса, компаниялар эндиликда қисқа муддатли режалар асосида иш кўришмоқда.

АКТнинг энг йирик соҳаси — телекоммуникациялар учун сарф-харажатлар бу йил 2 фоизга ўсиши ва 1,69 трлн. долларга етиши кутиляпти. Мобил алоқа операторларининг овозли алоқадан оладиган фойдаси камайишини интернет хизматлари ҳисобига тушадиган фойда қоплаб кетиши ҳам Gartner ҳисоботида келтирилган.

Корпоратив дастурий таъминот учун ҳам молиявий ажратмалар анчагина ўсиши эҳтимолда тутиляпти. Чунинчи, ўсиш кўрсаткичи 6,4 фоиз бўлиши ва 297 млрд. долларга етиши мумкин.

Глобал миқёсда ахборот технологиялари хизматлари учун 918 млрд. доллар (+4,5 фоиз), дата-марказларни ушлаб туриш учун 146 млрд. доллар сарфланиши, шунингдек, янги курилмалар харид қилиш учун 718 млрд. доллар (+7,9 фоиз) шилатилиши компания ҳисоботида ўз ифодасини топган.



Ебай интернет-компанияси бош директори Жон Донахю 2015 йили компаниясининг савдо майдони айланмаси йилига 300 млрд. долларга етишини чамаляпти. Мазкур башоратда савдолар бевосита Ебаудан ташқари, яна PayPal ва GSI Commerce сингари қўшимча сервисларда амалга ошири айтилган. Жаноб Донахю сал шонилмадим, унинг тахмини қанчалик ўринли — вақт кўрсатади, негаки, ҳозир Ебай "атиғи" 71 млрд. долларлик савдо айланмасига эга.

Бунчалик йирик амалиётлар орқасидан компаниянинг ўзи ҳам дурустгина фойда олиши турган гап. Компания ҳисобчилари бун шундай юзага чиқаришди: 2015 йили онлайн-оператор асосий фаолиятдан 21,16 млрд. доллар фойда (2012 йили — 14 млрд. доллар), акцияларидан 3,98 млрд. доллар даромад (2012 йили — 2,36 млрд. доллар) олади. Қолаверса, Ебай раҳбарининг комил ишонч билан таъкидлашича, мобил технологияларни фаол татбиқ этиш, смартфон ва планшетлар учун янги иловаларни чиқариш ҳамда онлайн бозорнинг кенгайиши ҳисобига компания ривожланиб бораверади.

## АТ-хабарлар



Google компанияси Энергия тежовчи янги технологияси учун патент олди. Бу технология мобил қурилма аккумуляториди охириги қувватни асраш учун дисплейга узатилаётган тасвир сифатини сунъий равишда пасайтиришга асосланган.

Европол 44 нафар румин кибержунитарчисини ҳибсга олди. Мазкур халқаро жиноий тўда 36 мигдан зиёд банк карталаридаги маблағларни ўзлаштиришда гумон қилинаётганди.

Румин хакерлари нафакат Европада, шунингдек, Аргентина, Колумбия, Доминикан Республикаси, Мексика, Япония, Жанубий Корея, Таиланд ва АҚШдаги турли савдо нукталаридаги терминалларга зарарли кодларни жойлаштириш орқали мўмай даромад топишган, қолаверса, онлайн-фирибгарлик бўйича мураккаб тармоқ яратишда ҳам уларнинг қўли борлиги полиция томонидан маълум қилинган.

Jakarta Globe наشري Индонезия электрон савдо ва тўловлар бўйича халқаро операторлар фаолиятини то улар ўз амалиётларини мазкур мамлакатда жойлашган серверлар орқали йўлга қўймагунларича тўхтатмоқчи эканлиги ҳақидаги хабарни тарқатди. Энди Индонезияда фаолият юритишни истаган хар қандай компания ишни миллий домен (.ID)да рўйхатдан ўтиш орқали бошлашига тўғри келади.

Таҳлилчиларга кўра, бугунги кунда Индонезия e-commerce бозори ҳажми йилига ўртача 1,5 млрд. долларни ташкил этади.

goodreads  
Meet your next favorite book.  
amazon.com

Amazon китоблар ижтимоий тармоғи Goodreadsни сотиб олади. Мазкур тармоқда фойдаланувчилар ўзаро китоблар бўйича тавсиялар алмашишади. Amazon харид қилинган лойиҳа имкониятларини ўз китоблар савдосига татбиқ қилади: фойдаланувчилар энди китоблар ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишади.



Panasonic компанияси Нью-Йорк фонд биржаси котировкалар рўйхатидан қимматбаҳо қозғоларини қайтариб олмоқчи. Компаниянинг маълум қилишича, айна пайтда Нью-Йоркда Panasonic листингини юритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки шундоқ ҳам молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган компания учун бу ортиқча харажат дегани.





(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

## Интернетпарастилик

Бугунга келиб, олимлар интернетпарастиликни кашандалик, алкоголизм ва гиёхвандлик билан ёнма-ён қўйишмоқда. Нахотки, у шунчалик хавфли?! Бир қарашда компютер ва интернет безарар восита: болалар кўчаларда бекорчиларга қўшилмасдан, компютер қаршисида ўзлари ёктирган машғулот билан шугулланишлар, интеллектуал ўйинлар ўйнашлар... Нега унда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти интернетпарастилик ва компютер ўйинларига мутеликни оғир касалликлар тоифасига қўшди? Мутахассисларнинг эътирофича, компютер виртуал ҳаёти ёшларни худди наркотик каби ўз домига торта оларкан.

Мулохазаларимиз интернетнинг бевосита инсон саломатлигига таъсири ҳақида экан, келинг, уни турли йўналишларга ажратган ҳолда таҳлил қилиб чиқамиз. Таҳлилларда, табиийки, мутахассислар хулосаларига таянилади.

## Салбий таъсирлари:

### Рухиятга

Хар нарсанинг ози ширин. Интернетга ҳаддан ташқари боғланиб қолиш рухиятга салбий таъсир кўрсатади. Унга берилиб кетиш манший, ижтимоий, оилавий ҳаётга, ўқиш ва ишга бўлган иштиёққа дарз келтиради. Бу жараён бора-бора интернетпарастиликка олиб келади.

Кимберли Янг "интернетпарастилик" мавзусига илмий нуқтаи назардан ёндашган биринчи олимлардан бири. У 1994 йили интернетпарастиликни аниқловчи тест ишлаб чиқади. Тадқиқот натижаларига кўра, қуйидагиларни хавфли оғохлантириш (интернетпарастиликнинг аломатлари) сифатида қайд этилади:

- электрон почтани тинимсиз текширишга уриниш;
- навбатдаги "онлайн" мулоқотга ошиқиш;
- ўтказилган "онлайн" мулоқотдан ҳузурланиш;
- "онлайн" учун сарфланадиган харажатларнинг ортиб бориши.

Бундай аломатлар сизга бир қарашда жуда оддий ва одатий кўриниши мумкин. Бу тадқиқот хулосаси чиқарилганига қарийб 20 йил бўлганини эътибордан четда қолдирманг. Бугунга келиб вазият анча жиддийлашган. Аммо, хар нарсанинг бошланиш даври бўлади ва уни ўрганиш орқали бутунги муаммоларни теранроқ тушуниб етиш мумкин.


**Кимберли Янг тадқиқотларига қайтамиз. У интернетпарастиликнинг бешта асосий шакллари ажратиб кўрсатади:**

1. Беҳаё сайтлардан ўзини тия олмаслик;
2. Виртуал дўстларга иштилош — доимий равишда янги танишлар қидириш, тармоқда виртуал дўстлар сонининг ҳаддан ортиб кетиши;

## INFO-ФАКТ

Австралиялик шифокор Муборак Али Раҳаматулла қатор тадқиқотлардан кейин шундай хулосага келди: интернет болалар онгига салбий таъсир ўтказолади. Гап шундаки, аксарият ёшлар виртуал оламни ҳақиқий деб ўйлашда ва улар реал ҳаётга мослашишга қийнала бошлайдилар. Шифокор ўз хулосасида, интернетдан назоратсиз фойдаланган ўсмирларда жинсий ривожланиш ҳам нотўғри кечишига алоҳида ургу берган.

**ИЗОҲ:** Интернетпарастилик (Интернет-аддикция) — глобал тармоққа уланишига ҳаддан зиёд ошиқиш ва ундан чиқиб кета олмаслик.



# Интернет исканжаси

3. Турли интернет форумларда вақт ўтказиш ва муҳокамаларидан чиқиб кета олмаслик;

4. Web-сёрфинг. Тармоқ бўйлаб тўтмосиз саёҳат;

5. Онлайн компютер ўйинларига муккадан кетиш.

"Интернет исканжаси" муаммосига биринчи бўлиб психотерапевт-шифокорлар дуч келишган. Бу хасталикка "Интернетдан фойдаланиш оқибатида юзага келган ноқимёвий тобеллик" ташхиси қўйилди. Унга дучор бўлганлар виртуал ҳаётни шунчалик юқори қўядиларки, деярли бутунлай реал ҳаётдан воз кечадилар, кунига 18 соатлаб виртуал оламда вақт ўтказадилар. Интернетпарастиликнинг асосий аломати "off-line вақтида интернетга киришга ҳаддан ортиқ ошиқиш ва on-line вақтида ундан чиқиб кетишга ирода топа олмаслик"да кўринади.

Реал ҳаётдан узоқлашиш — бу руҳий ҳолатнинг ўзгариши. Рухий ҳолатнинг бундай кескин ўзгариши онг ва тафаккурни издан чиқаради.

## Кўзга

Бугунги кунда миллионлаб кишилар интернетда "яшайдилар". Бу одатнинг табиийки, кўзга ҳам салбий таъсири бор.

Асосий вақтини компютер олдида ўтказадиган инсонларнинг 75 фоизи кўриш билан боғлиқ муаммоларга дуч келар экан. Унинг аломатлари кўзнинг ачишиши, кизариши, кўзни ҳаракатлантиришда оғриқи, бўйин умуртқа поғонасида оғриқлар, ишда тез чарчаш каби ҳолатларда намоён бўлади. Компютер экранига яқиндан узоқ тикилиш, хона ва монитор ёруғлигига тўғри амал қилмаслик янада жиддийроқ муаммоларни келтириб чиқаради, инсонда узоқ масофани кўриш қобилияти пасайиб боради. Компютер қаршисида кўзнинг одатдагидан кўпроқ очилиб-ёпилиши, демак, кўзингиз нисбатан куруқлашиб

борапти. Бундан айниқса, контакт линзаси борлар эҳтиёт бўлишлари лозим. Жараён салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин: кўздаги тиниқликнинг сустилаши, жисмларнинг иккита бўлиб кўриниши, яқинни кўра олмаслик.

**Компютернинг кўзга салбий таъсирини камайтирувчи махсус машқлар борми, деган савол кўпчиликни қизиқтиради.**

Монитор нуридан кўзни ҳимоя қилишда, энг аввало, бир жиҳатга жиддий эътибор қаратиш лозим. Мониторнинг кадрлар алмашиш частотаси 75 Гца турганида кўришга салбий таъсир ортади. 85 Гца даражаси оптимал вариант ҳисобланади. Бундан ортиқ кўрсаткичлар ҳам тўғри келмайди: мониторнинг нурулини кучаяди ва фойдаланувчи саломатлигига таъсири ортади. Шунингдек, танланадиган мебелнинг ҳам ўрни бор. Монитор жойлашган стол кенгрок бўлиши ва кўз ҳамда монитор ўртасидаги масофа 60-70 см.дан қисқа бўлмаслиги лозим. Экрандан ортиқча нур таралмаслиги ҳам муҳим, бунинг учун иш ўрни меъёрида ёруғ бўлиши керак.

Кондиционер ёки вентилятор ишлаётган хонада ўтирган бўлсангиз, кўз пардасидаги намликни керагидан ортиқ парлантимаслик учун унинг шамоли бевосита юзингизга урмаслигини таъминланг. Кўзингизда зўриқиб сезилганда уни ёпиб, ковоқ устидан кўз соққасини секин массаж қилинг. Шунингдек, компютерда ишлаганда махсус кўзойнақлардан фойдаланиш мумкин.

**Кўзни ҳимоялашга ёрдам берадиган айрим машқлар:**

■ *Имкон қадар ҳар 2 соатда кўз, бўйин ва бел мушакларини машқ қилдириш зарур. Бунинг учун бошини секин айлантириш, елкани олдинга ва орқага айлантириш, бел машқи учун бир неча марта эгилиб-туриш керак бўлади. Бу машқлар ишчиллик қолган зўрланишни тарқатишга ёрдам беради.*

■ *Бир-икки дақиқа "ҳеч нарса"га қараш лозим, энг яқини дераза ортига, узоқларга қаранг. Диққат билан тикилиш керакмас, шунчаки хотиржам боқинг.*

■ *Кўзларни юмиб, кўз соққасини чапга, тепага, ўнга, пастга айлантириш ва машқни тесқари йўналишда бажариш. 4 марта бир йўналишда, 4 марта тесқари йўналишда. Машқни зўриқиб билан бажармасликка урининг.*

■ *Яна кўзни юмиб, аввал тепага, сўнг пастга қарайсиз — 8 марта.*

■ *Тўғри йўналишга қарайсиз ва 30 сония кўзни тез очиб-юмасиз. 3 марта такрорлайсиз.*

Инсоннинг кўриш қобилияти минг йиллар давомида шаклланган. Шунинг учун унинг монитор нурига мослашиши осон эмас. Меъёрга амал қилмаслик кўпчилик фойдаланувчиларда кўз муаммоларидан ташқари, бош оғриқи, ҳорғинлик, хатто юрак-қон томирларидаги, асаб, ошқозон-ичкадаги ва бошқа бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бўйин радикулити, бармоқ бўғинларидаги хасталиклар, юз терисидagi дерматитлар ҳам компютер олдида ҳаддан ортиқ кўп ўтириш оқибатида юзага келади.

## Асабга

XXI асрда инсониятни компютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интернетдан маълумотлар олиш, ўқиш ва билимини ошириш воситасида фойдаланиш бошқа, унга қўнғилочар восита сифатида қараш бошқа.

Айниқса, компютер ўйинлари ёшларда унга боғланиб қолиш ҳолатларини юзага келтиради. Бундай беморлар уйку бузилиши, бош оғриқи, кучли ҳаяжон, асабийлашиш, кайфиятнинг тез ўзгариши, кўриш қобилиятининг сусайиши бўйича шикоят қилишади. Ўсмир болаларда жиззакилик, қўполлик, катталарга беҳурматлик кўзга ташланади. Шу сабабли ҳам хар бир ота-она боласи компютер олдида ўтирганида унинг қандай ўйинлар ўйнаётгани билан қизиқиши, бола рухиятига салбий таъсир ўтказадиган ўйинлардан уларни узоқроқ тутиши талаб этилади.

Умумий талаблар эса қуйидагича: бола компютер олдида суткасига 2 соатдан ортиқ ўтирмаслиги керак. Хона ёруғ бўлиши ва бола ҳамда монитор ўртасидаги масофа 70 см.дан яқин бўлмаслиги лозим.

## Умуртқа ва бўғимларга

Компютер қаршисида узоқ ўтириш суякларнинг нотўғри ривожланиши (айниқса, болаларда) ва шунга боғлиқ хасталиклар юзага келишига ҳам сабабчи бўлади. Биламизки, мактабларда болаларнинг умуртқа поғонаси ва суяк ривожланишига салбий таъсир етмаслиги учун 40 дақиқалик дарсад сўнг 5-10 дақиқа танаффус берилади. Энди компютер ўйинларига муккасидан кетган ўсмирларнинг бир ўриндиқда соатлаб ўтиришини кўз олдингизга келтиринг. Бундай ёшларда вақт ўтиши билан оғир оқибатлар юзага чиқа бошлайди.

Шунингдек, доимий ўтириб ишлайдиган касб эгаларида ҳам бу каби хасталикка учраш хавфи юзага келади. Умуртқа поғонасига ортиқча босим тушмаслиги ўтирадиган креслоннинг бутлиги ва қулайлиги ҳам боғлиқ. Шунингдек, дардинг олдини олиш учун иш ўрнида бажариладиган энгил гимнастика машқларини одат тусига айлантириш лозим (газетамизнинг келгуси сонларида бундай машқларни бажариш услубларига албатта тўхталамиз). Бунда ён-атрофингиздаги ҳамкасбларингиздан ийманманг. Унутманг: соғлиқ — бебаҳо бойлик.

Лутфилло ТУРСУНОВ



# Утвержден список интерактивных госуслуг,

## оказываемых через единый портал

Реестр первоочередных интерактивных госуслуг, предоставление которых должно начаться через единый портал к июлю, включил 23 позиции.

На заседании Координационного совета по развитию компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий 29 марта был утвержден Сводный реестр первоочередных интерактивных государственных услуг (ИГУ), предоставляемых органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах для физических и юридических лиц через Единый портал ИГУ.

Единый портал интерактивных государственных услуг, который будет функционировать в рамках Правительственного портала Gov.uz, создается в соответствии с постановлением правительства от 30 декабря прошлого года. Его запуск запланирован до 1 июля.

Единый портал должен стать единой точкой доступа к интерактивным государственным услугам, предоставляемым государственными органами, в том числе на платной основе. Воспользоваться порталом смогут только лица, прошедшие процедуру регистрации и авторизации.

Сводный реестр первоочередных интерактивных государственных услуг, которыми по плану можно будет воспользоваться с июля, включил в себя 23 позиции. Помимо справочной информации, а также возможности приема, регистрации и рассмотрения обращений граждан, на портале будут предоставляться следующие услуги:

- Прием, регистрация и рассмотрение заявок на подключение услуг стационарной телефонной связи и интернета для юридических и физических лиц.

- Прием, регистрация и рассмотрение заявок на прием в учрежде-



ния дошкольного, общего среднего образования.

- Предоставление информации о высших образовательных учреждениях при Министерстве высшего и среднего специального образования.

- Предоставление доступа к сводному электронному каталогу и к полнотекстовым электронным базам данных.

- Прием, регистрация и рассмотрение заявок на получение справки органов государственной налоговой службы об отсутствии задолженности по налогам.

- Внедрение механизма государственной регистрации субъектов предпринимательства (за исключением кредитных учреждений) с использованием электронной цифровой подписи.

- Прием, регистрация и рассмотрение заявок на получение статуса таможенного брокера.

- Декларирование субъектами предпринимательства товаров при таможенном оформлении грузов.

- Прием, регистрация и рассмотрение заявлений о государственной регистрации прав на недвижимое имущество.

- Прием, регистрация и рас-

смотрение заявок на получение квалификационного сертификата риэлтора.

- Прием, регистрация и рассмотрение заявок на получение услуг в сфере страхования.

- Осуществление бронирования и реализация электронных авиабилетов на рейсы НАК "Узбекистон хаво йуллари".

- Осуществление бронирования и реализация электронных железнодорожных билетов ГАЖК "Узбекистон темир йуллари".

- Создание возможности оперативной оплаты коммунальных и других услуг, а также организация доступа к лицевым счетам потребителей услуг.

- Предоставление возможности поиска вакантных рабочих мест и информации по трудоустройству граждан, ищущих работу.

- Поиск лекарственных средств из Государственного реестра.

- Поиск сведений по учреждениям здравоохранения и частным медицинским клиникам.

- Поиск сведений по учреждениям культуры и спорта.

- Прием, регистрация и рассмотрение заявлений о нарушении прав потребителей.

- Предоставление информации о зарегистрированных объектах интеллектуальной собственности.

- Прием, регистрация и рассмотрение запросов на подтверждение заработной платы, трудового стажа, учебы и наград.

Некоторые из указанных выше интерактивных услуг уже оказываются на отдельных сайтах госорганов. Преимуществом единого портала, как следует из его названия, станет возможность пользования интерактивными госуслугами в одном месте.

Согласно решению Координационного совета до 15 апреля все органы государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах должны быть подключены в Персональный кабинет гражданина — на первом этапе для получения и рассмотрения обращений граждан в рамках Единого портала ИГУ.

К 1 мая должны быть утверждены единые стандарты и технические требования для подключения интерактивных государственных услуг в Единый портал ИГУ.

Органам государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах поручено в установленные сроки обеспечить внедрение и интеграцию в Единый портал интерактивных государственных услуг, включенных в Сводный реестр, а также принятие и рассмотрение обращений населения и хозяйствующих субъектов, поступающих через Персональный кабинет гражданина, с опубликованием на Едином портале и официальном сайте ответов на часто повторяющиеся обращения.

Информационное и техническое сопровождение Единого портала осуществляется Центром развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.

## Культура здоровой жизни

20 марта 2013 года в Центре научно-технических и маркетинговых исследований ГУП "UNICON.UZ" состоялась встреча, посвященная теме "Культура здоровой жизни"

Встреча проведена на основании конкретных мероприятий согласно 83-пункта Государственной программы "Год благополучия и процветания" — "Организация широкомасштабной просветительской работы о целях и задачах государственной программы "Год благополучия и процветания" среди широких слоев населения.

В рамках семинара-лекции были затронуты такие темы, как, повышение культуры здоровья, здоровье матери и ребенка, соблюдение правил гигиены и роль спорта в воспитании детей.

Встречу вела гинеколог высшей категории, заве-



дующая гинекологического отделения Центральной консультативной поликлиники Алмазарского района города Ташкента Барно Абдусаломова. Опираясь на богатый опыт — 30-летнюю трудовую деятельность тема подкреплялась примерами из врачебной практики. В завершении встречи участники получили ответы на интересующие их вопросы.

## Новый рекорд по продлению доменов

По данным Администратора национального домена ccTLD.uz в марте текущего года побит рекорд по количеству продленных доменов. В марте было продлено 795 доменов. Это на 140 больше, чем в феврале.

Предыдущий рекорд по количеству продлений — 713, был установлен в декабре прошлого года.

Напомним, что общее количество активных доменов на 2 апреля 16 208. В Узбекистане действуют 12 регистраторов, из них 7 в регионах.

Лидирует по количеству зарегистрированных доменов компания Arsenal-D.

Прирост количества доменов с начала года — 2,5%.

Недавно реализованы возможности регистрации на 10 лет и продления регистрации в любой из дней действия домена.



# Хабар +tv

ОТКРЫТО

ДУШАНБА — 8 АПРЕЛ

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"  
7.00 "Ислом".  
7.05 "Кўнгиб қўйиб кетайди".  
7.20 "Чаттагоннинг қуноқ парвозлари", М/с.  
7.30 Миллий сериал: "Фидоилар".  
8.00 "Тадқиқот".  
8.40 "Юртим бўлиб" дастури: "Чотқаб қўнғонлари".  
9.05 "Муқаддас қадимжолар".  
9.25 "Ихлом".  
9.30 "Парақотиб дастури".  
10.00 "Мерит экрани", Т/с.  
10.45 "Саломатлик сирлари".  
11.00 "Абдор".  
11.10 "Ватанларим".  
11.55 "Ислом".  
12.00 "Ассалом, Узбекистон!".  
12.50 "Кўнгиб қўйиб кетайди".  
13.05 "Комиксар Рес", Т/с.  
13.30 "Моҳир кўлар".  
14.00 "Абдор".  
14.15 "Эв" сериали: "Эшикда мустақилликни йўлатди".  
14.35 "Ислом".  
14.40 "Кавингтон Кросс", Т/с.  
14.55 "Илфокор".  
15.30 "Чумбелар ҳақида ҳақиқат", Х/ф.  
16.20 "Рингон дунё".  
16.40 "Оқоваткин - табиат".  
17.00 "Абдор".  
17.10 "2013 йил - "Обод турмуш йили", "Кўнгиб қўйиб кетайди".  
17.20 "Эркин фюж".  
Мавзу юзасидан Зарафшон академик лицейи АРМ раҳбари Д.Тўраева, Учқудуқ кончилиги касбхунаро коллежи кутубхоначиси Ш.Ярашева, Томди агроинтенсиқодиёт касбхунаро коллежи АРМ раҳбари Е.Пўлатовалар фикр-мулоҳазалар билдирдилар.


Шунингдек, семинарда ёшларни ҳар томонлама етук, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда АРМда ўлкашунослик ишларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўқтанилиб, шу бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилди ҳамда АКМ ўлкашунослик сектори томонидан вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда яратилган "Муқаддас қадамжолар" мавзусидаги мултимедия намоиши этилди. Таъбир сўнгидан барча иштирокчиларга "KUTUBXONA.UZ" журнали тақдим этилди.

**Жамила БОБОМУРОВА,**  
АКМ илмий-услубият бўлими мудир

**Талабалар тураржойи. Бу масканининг ўзигагина хос жиҳатлари, оҳанрабои бор. Буни талабалик вақтларимда ўзим сингари турли вилоятлардан келган тенгдошларим билан ётоқхонада яшаган собиқ талаба сифатида жуда яхши биламан. Ўзига хослиги шундаки, бу ерда талабаликнинг қувончу ташвишлари, ютуғу изтироблари, соғинчу висоллари, сиру асрорлари муҳрланиб қолади. Оҳанрабои эса, талабаликнинг олтин даври аллақачон поёнига етган эса-да, ўзига тортаверади, тортаверади...**

Тошкент ахборот технологиялари университетининг ҳам талабалар учун ўз тураржойи бор. Юртимизнинг турли гушаларидан келган талабалар, магистру аспирантлар бир оила фарзандларидек истикомат қилишади бу ерда. Ёшларнинг дарсдан сўнг дам олишлари, яшашлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилин-

ман бу жойда. Мана, университетда ишлаб қолдим, етакчи сифатида ёш дўстларимга озми-кўпми нафим теяпти. Бугун фаол талабалар билан йиғилиб, амалга оширмакчи бўлган вазифаларимизни яна бир бор муҳокама қилиб олдик. Талабалик — олтин даврим, деб бежизга айтишмаган. Хозирги ёшлар жуда фаол, ташаб-



# "Бу бизнинг ўз уйимиз"


**ТАТУ талабалар тураржойида ўзига хос тартиб ва анъана бор**

ган. Ҳар бири тўққиз каватли учта блок. Катта экранли телевизор, дарс қилиш, ҳордик чиқариш, билимларни чархлаш учун турли китоб ва матбуот нашрларига эга маънавият хонаси. Яна ўттизга яқин сўнгги русумдаги компютерлар билан жиҳозланган синф — буларнинг барчаси ёшлар ихтиёрида. Марҳамат, улардан фойдалан, билимингни ошир, ўзингни кўрсат! Ўз уйингдагидек яша, фақат бир талаб — мавжуд қонун-қоидага, тартибга амал қилсанг бўлди.

Бу маскандан ўзига хос тартиб ва анъана бор. Яъни, 3-4-босқичнинг энг фаол талабалари орасидан ҳоким сайланади. Ҳокимликка талабаларнинг ўзлари уч-тўрт номзод ичидан энг лойиғини танлаб олишади. Ҳокимлик бу — хўжайин дегани эмас асло, ҳокимлик бу — жуда катта масъулият. Талабалар тартиб-интизомни, хоналар тозаллиги, жиҳозлар бутлиги учун у жавобгар. Ҳар бир ёшнинг ўз феъл-атвори, дунёқараши, ички тарбияси, хоҳиш-истаги борлигини инобатга олсак, ҳокимлик айтишгагина осон туюлади.

Университет талабалар тураржойига борганимда мени ҳоким Абдулатиф Қаримов билан фаол Жаҳонгир Холмирозевлар кутиб олишди. Тасодифни қарангки, айнан шу кун "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Холбек Полвонов фаол талабалар билан учрашув ўтказётган экан. Холбекни суҳбатга тортидим.

— Ўзим ҳам университетда олти йил ўқиб, шу ерда яшаганман, — деди у талабалик дамларини хотирлаб. — Энг бахтли, қувончли кунларимни ўтказган-



бускор. Яқинда талабаларга рус ва инглиз тилларидан ҳамда дастурлаш илмидан сабоқ берадиган курс ташкил қилдик. Биласизми, ҳали курс бошланмасданок кирк нафар талаба қиз қатнашишни истаб, бизга мурожаат қилди. Энг қувонарлиси, ўқув курсларини билимли талабаларнинг ўзлари бепул олиб боришади. Олдимизга қўйган мақсадларимиз жуда кўп ҳали.

Лифт орқали учинчи каватга кўтарилиб, 304-хонага кирдик. Хонада байрамона дастурхон безатилган.

Ёшлар югурибелиб топганини дастурхонга

**Ётоқхонада яшовчи талабалардан тўзилган "Қувноқлар ва зукколар" гуруҳи бўлиб, улар ҳар байрамда Юнусобод туманидаги Меҳрибонлик уйларида бориб, турли дастурлар қўйиб беришади.**

тўқишяпти. Ҳамма хурсанд. Билсак, хурсандчиликнинг сабабчиси Муроджон Дўстчанов экан. Ахборот технологиялари факултетининг ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича таҳсил олаётган бу йигитнинг туғилган куни экан — 24 ёшга кирибди. "Талаба бўлганимдан буён ҳар йили туғилган кунимни дўстларим даврасида нишонлайман, — дейди у шодон. — Ахир айтишадику, дунёнинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлмас устун, деб. Телефон орқали ота-онам ҳам табриқлашди. Дўстларим Абдулатиф, Нуриддин, Ойбекжон, Ислонбекларнинг чиройли тилақлари бир умр қал-

бимда қолади..." Ошхонада эса шўрчилик Мансур Эшболтаев палов дамлаш билан овора. "Талабага палов ҳам овқат-да", — дейди у кулиб. Унинг беғубор ҳазилдан ошхонада қаҳқаҳа янгради!..

Вилоятлардан келиб ТАТУда таҳсил олаётган қизлар учун алоҳида тураржой биноси ажратилган. 310-хонада 1-босқич талабаларидан Шаҳло Душанова билан Рушана Йўлдошева истикомат қилишаркан.

— Биз иккимиз ҳам Навоий шаҳриликмиз, — дейишди улар. — Шаҳардаги 11-мактабда ҳам бирга ўқиганмиз, синфдошларимиз. Тест синовларига бирга тайёрландик. Иккаламиз ҳам талаба бўлдик, бундан жуда хурсандимиз.

Борганимизни эшитиб, бошқа хоналардаги қизлар ҳам бирин-кетин 310-хонага мўралаганча кириб келишди. Суҳбат асосида улардаги тортинчоқлик ўрнини аста-секин дадиллик эгаллай бўрилади. Суҳбат қизигандан қизиди. "Биринчи босқичда-лигимда онажонимни соғиниб йиғлардим, — дейди кулиб бухоролик Ситора Имомова. — Бўлмаса ҳар куни телефон орқали гаплашиб турардик. Кўнликдимми, ўқиш чалғитдимми, йиғмай қўйдим... Баҳоларим ҳаммаси беш... тарихдан тўрт тушиб қолди. Хайронман, айнан шу фандан ух-ламасдан тайёрланганим..."

— Барча қизларимиз ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаолликда йигитлардан қолишмайди, — суҳбатга қўшилиди 2-босқич магистранти, университет хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти етакчиси Лола Давронова. — Дарсдан бўш пайтларимизда турли ўқув курсларига борамиз. Шундай қизлар борки, элита пардалар тикишни ҳам қойиллатишади. Турли байрам тадбирларида, туғилган кунларда дастурхонни ўзимиз пширган турфа пшириқлару тортлар билан тўлдираримиз.

Бу йил университетни тамомлар экансиз, ўрнингизга қайси қизни етакчи сифатида тавсия қилган бўлардингиз, деган саволимизга, Лола, ҳамма қизлар ҳам бунга лойиқ, аммо Ригинани тавсия қилардим, у жуда фаол, ҳам мулоқотта тез киришади, дея жавоб берди. Ахир етакчи бўлиш учун одам муомала маданиятини ҳам билиши муҳимда...

Талабалар тураржойидан бир олам таассурот билан қайтдим. Улардаги шижоатни, билимга ташналикни кўриб хурсанд бўлдим. Хўв, ўша йиллардаги талабалар ётоқхонасида ўтказган дамларим кўз олдимда гавдаланди...

Усмонжон Йўлдошев,  
"Xabar" мухбири





# Маҳорат дарслари

**2013 йил 28-29 март кунлари Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида "Инглиз тилини ўрганишда замонавий АКТдан фойдаланиш" лойиҳасининг иккинчи босқич учрашуви бўлиб ўтди.**

Тадбирни Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг директори Стив МакНалти жаноблари очиб, барча тингловчилар ҳамда ушбу лойиҳани янада оммалаштиришда яқиндан ёрдам бераётган вазирлик ва идоралар вакилларига ўз миннатдорлигини изҳор этди.

Шундан сўнг Халқ таълими вазирлиги Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи Абдурашид Хундибаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ҳамда таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, дарс жараёнларида қўллаш, шу билан бир қаторда, хорижий мутахассислар тажрибасини ўрганиб, тах-



лил қилиб, таълим жараёнида қўллаш, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришда энг аввало педагог-кадрлар малакаларини ошириш муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Айнан ушбу лойиҳанинг мақсад-вазифалари ҳақида батафсил маълумот берди.

Семинар-тренинг жараёнида амалга оширилган ишлар, ҳудудларда каскад усулида ташкил этилган семинар-тренинглар, ICT for English Teachers лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан Ziyonet ресурс марказининг ХТВ ҳузуридаги бўлими мутахассислари маълумот беришди.

Лойиҳа доирасида юқори натижаларга эришган Қорақалпоғистон Республи-

## "Инглиз тилини ўргатиш бўйича энг яхши тренер"

*1-даражали диплом ва iPod — Сирдарё вилояти ПХҚТМОИ инглиз тили ўқитувчиси Ҳикматулло Ҳўрозбоев;*

*2-даражали диплом ва British Council томонидан тақдим этилган Online курс — Навоий вилояти ПХҚТМОИ инглиз тили ўқитувчиси Холдира Мирзаева;*

*3-даражали диплом ва "Macmillan" нашриётининг "Advanced" даражасидаги инглиз тили бўйича китоблар тўплами — Қўноқ Давлат педагогика институти инглиз тили ўқитувчиси Зиёло Тўхасинова.*

қаси ПХҚТМОИ информатика фани ўқитувчиси С.Отепов ва Сирдарё вилояти ПХҚТМОИ инглиз тили ўқитувчиси Х.Ҳўрозбоевлар ўз тажрибалари ҳақида гапириб беришди.

Тингловчиларга Британия Кенгашининг Ўзбекистон ваколатхонаси томонидан маҳорат дарслари ташкил этилди. Маҳорат дарсларини "e-learning" таълими бўйича етакчи мутахассис Сюзан Мордо, лойиҳа менежери Наталья Царикова, лойиҳа координатори Светлана Ханлар олиб бордилар. Машғулотлар жараёнида "Рақамли дунё ва масофавий таълим", "Ўқувчиларга лойиҳалаштирилган тошшириклар", "Илк ёшларда хотиранинг мазмунини аниқлаш", "Тил ўрганишда тажриба алмашиш" каби мавзуларда тренинглар ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида ташкил этилган fikr.uz сайтидаги ICT for English Teachers блоги ҳамда ziyonet.uz сайти таркибида ташкил этилган www.icteenglish.zn.uz сайтидаги камчиликларни бартараф этиш, уни жамоатчиликка тарғиб этиш, оммалаштириш, келажақда тил ўргатиш ва ўрганишда энг оммабоп сайт даражасига етказиш бўйича Ziyonet бўлими мутахассислари ва Г.Қобилвалар томонидан таклифлар берилди ва муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Лойиҳа доирасида тренерларни рабатланириш мақсадида 2013 йилнинг 1 февралдан 25 мартга қадар "Инглиз тилини ўргатиш бўйича энг яхши тренер" ҳамда "Энг яхши АКТ тренери" танлови ғолиблари тақдирланди.

Раъно ХҲЖАЕВА

## "Энг яхши АКТ тренери"

*1-даражали диплом ва "Macmillan" нашриётининг "Изоҳли лугати" — Қорақалпоғистон Республикаси ПХҚТМОИ информатика фани ўқитувчиси Саломат Отепов;*

*2-даражали диплом ва "Macmillan" нашриётининг "Beginner" даражасидаги инглиз тили китоблар тўплами — Навоий вилояти ПХҚТМОИ информатика фани ўқитувчиси Лобар Жўраева;*

*3-даражали диплом ва "Macmillan" нашриётининг инглиз тилидаги "Аудио" китоблар тўплами — Андижон вилояти ПХҚТМОИ информатика фани ўқитувчиси — Валижон Содиқов.*

## INFO-XABAR

### АКТ —

#### ТЕЗКОРЛИК ОМИЛИ

Наманган вилоятида 2100дан зиёд субъектлар интернетга уланди

Вилоятда давлат ахборот ресурслари сони 2011 йилдаги 20тадан 38тага, Е-Нужат, Е-ХАТ, пахта, ғалла, солиқ ва статистик ҳисоботларни тошпириш каби давлат органлари ахборот тизимлари сони 7тага етказилган. Бугунги кунда вилоятда 67 давлат органи электрон хужжат айланиш тизимига уланган бўлиб, улар ўртасида ўтган йилнинг ўзида беш ярим мингдан зиёд электрон хужжат алмашиши амалга оширилди.

Ҳозир вилоятда олтига интернет-провайдер ва ўттизга яқин интернет-кафедрлар аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатмоқда. Вилоят бўйича 900дан зиёд давлат бошқаруви органлари, 1200га яқин хўжалик юритувчи субъектлар интернет тармоғига уланган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан икки баробар ортди. Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида 116 иш ўринли Е-Нужат, 13 иш ўринли Е-ХАТ дастурлари ўрнатилган. Улар хужжат алмашинуви ҳамда расмий ёзишмаларни амалга оширишда тезкорликни таъминламоқда.

## "Ziyonet" яқин кўмакчимиз

**Бугун ахборот технологияларидан фойдаланмайдиган кишини топиш қийин. Таълим самарадорлигини оширишда улардан унумли фойдаланиш ўқувчилар томонидан дарсларнинг тез, осон ўзлаштирилиши ҳамда хотираларида яхши сақланишига ёрдам беради.**



Ислохотлар натижаси ўлароқ ахборот технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш тобора кенгайиб бормоқда. Мен Қосон туманидаги 3-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман. Жорий ўқув йилининг ноябр ойида мактабимиз ўқитувчиларига, шу жумладан, менга Жаҳон Тараққиёт банк томонидан "netbook" — замонавий компьютер берилди. Бу эса бизга ахборот технологияларидан фойдаланишимиз учун қўшимча имконият ва қулайликлар яратди. Декабр ойида ВРҚТМОИнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари малака ошириш курсида катнашдик. Бу орқали тажрибаларимиз янада ортди. Энди дарсларимизда слайдлар, тест саволлари асосида ўқувчилар билимини мустаҳкамлашимиз. Адабиёт ўқув дарслигидаги шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини кенгроқ ўрганиш учун Ziyonet тармоғидан қўшимча маълумотлар олашимиз.

Дилрабо ЯҲҲЕВА



**"Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиалининг Каттақўрғон шаҳар телекоммуникациялар боғламси бошлиғи Сирожддин Мўминов билан мулоқотда Каттақўрғон шаҳри аҳолисига ахборот технологиялари асри ҳисобланмиш XXI аснинг ўн учинчи йилда телекоммуникация хизматлари қай йўсинда ташкил этилганлиги хусусида сўз борди.**

— Сирожддин Зайнидинович, тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Каттақўрғонда 1901 йили почта ва телеграф-телефон хизмати илк бор йўлга қўйилган экан. Ушандан буён бир аср ўтди.

— Дарҳақиқат, Каттақўрғонга телекоммуникация кириб келганига юз йилдан ошди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар атиги уч юзта нуқтага мўлжалланган телефон алоқаси мавжуд бўлиб, 1940 йилларда, кейинчалик, 1966 йилларда барпо этилган телефон сўзлашуви хизмат кўрсатадиган мосламалар эскирган, ўз муддатини ўтаб бўлгани боис давр талаби даражасида хизмат кўрсатиши имконини бермасди. Бу ўз-ўзидан мижозларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди.

Маълумки, XXI асга келиб ахборот технологиялари, жумладан, телекоммуникация соҳаси бутун дунё микёсида ривожланиб кетди. Бу бир томондан, иккинчи томондан, мамлакатимиз мустақилликка эришиши шарофати билан республикамизнинг чекка ҳудудларига ҳам хорижда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар кириб кела бошлади. Жумладан, бизнинг боғламамизга қарашиб 5-АТСдаги эски қурилмалар ўрнига 2000 йили янги — "DTS

## С.МЎМИНОВ: Каттақўрғонга

телекоммуникация кириб келганига юз йилдан ошди

110" рақамли станция ўрнатилиб, телефонлар монтаж сифими 4500 рақамга кўпайди.

Бундан ташқари, жамоамиз ишчи-хизматчилари, алоқачи муҳандис-техник ходимларимизнинг елиб-югуришлари ва изланишлари боис ҳозирги кунда замон талабларига жавоб берадиган янги MSAN русумли станция қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу станция 4496 мижозга хизмат килишига мўлжалланган. Бир неча миллионлик бу лойиҳа доирасида монтаж ва таъмирлаш ишлари якунланиб, давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтди. Электр қуввати ўчган тақдирда телеком шохобчалари мосламаларини тўхтовсиз ишлатиш чоратадбирларини ҳам кўриб қўйганмиз.

Жумладан, боғламамизда "LEOTH DJ-300" русумли акуммуляторлар, дизел қурилмалари бетўхтов ишлашга шай турибди.

Таълим соҳасида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш на-

лар юқори, алоқа сифати эса аксинча, паст бўлган. Энди бўлса, миснинг ўрнини юқори тезликни кафолатловчи оптик толали кабеллар эгаллаштири. Бу жамоамизнинг маблагини тежайди, ёнга қолган маблаг эса шаҳримиз аҳолиси учун тақдим этилаётган телекоммуникация ва бошқа кўшимча хизматларни ривожлантириш йўлида сарфланади, мижозларга янгидан-янги қулайликлар яратилади.

— Боғламангизда "Ягона ойна" хизмати жорий этилганидан хабардормиз. Бу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— "Ягона ойна" хизмати 6-АТС биносида аҳолига телекоммуникация ва кўшимча хизматларни яхшилаш мақсадида ташкил этилди. "Ягона ойна" да коммунал тўловлар амалга оширилади, хонадон ва муассасаларга телефонлар ўрнатиш бўйича шартнома тузилади, интернет, рақамли телевидение ва бошқа кўплаб хизматлар тақдим этилади, у ёки бу соҳага оид буюртмаларни расмийлаштириш каби хизматлар кўрсатилади. Мазкур хизмат учун бта компьютер, керакли мебеллар ажратилди.

Боғламамизнинг кўнгилдагидек фаолият юритишида хар бир ишчи-ходимнинг ўз ўрни бор. Шу ўринда ташкилотлар ва муассасалар билан ишловчи Озода Ражабова, кросс электромонтерлари Дилшопа Абдурахмонова, Лайло Миралиева, хазиначи Татьяна Сатороваларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Файрат ШУКУРОВ  
суҳбатлашди

## Эзгуликка интилиб

**"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали, Бухоро шаҳар, Когон ва Жондор туман телекоммуникациялар боғламлари ходимлари фарзандларидан катта бир гуруҳи Бухоро Давлат кўмирчоқ театри жамоаси томонидан намойиш этилган "Эзгулик нури" эртагидан бир олам тассурот олдилар.**

...Бойчечаклар баҳорнинг ям-яшил бўлиб келишини интиқлик билан кутадилар. Демак, негадир баҳор кечикяпти. Чунки ёвуз кучлар Аямужу ва Совука эрта баҳорини яшириб қўйишган. Нурмома ва эртақчиға Топқирвой номли ит ва олтин балик ёрдам беришди ва Баҳоройни ёвузлар қўлидан қутқариб қолишди. Баҳор келиб, дарахтлар гуллаганда Наврўз кириб келади. Янги кун бошланади. Мучаллар алмашади. Барча эртақларда бўлгани сингари бу ерда ҳам эзгулик ёвузлик устидан галаба қозонади...

Сахналаштирувчи режиссёр Бўрон Аҳобиров томонидан ёш томошабинлар ҳукмига хавола этилган "Эзгулик нури" эртаги (муаллиф, раҳматли қаламкаш Аҳтам Қудратов)даги ролларни театрнинг етакчи актёрларидан Жонибек Носиров, Лайло Жумаева, Фотима Ҳабибова, Анастасия Ибрагимова, Камол Назаров, Сўҳроб Сиддиқов, Обид Солиев, Ҳикмат Баҳромов ҳамда Ойсулув Кенжаевалар маҳорат билан ижро этиб, ўз қаҳрамонларининг ички кечинмалари, мақсад ва интилишларини очиб беришга муваффақ бўдилар.

Шунингдек, театр сахнасида тушмай келаётган "Нўҳат бола", "Балли, сичқонча", "Ўз уйимни излайман", "Дўстлик ҳамиша ўзар", "Сабрининг таги олтин", "Учар кема", "Сирли Гиппопотам", "Сирли чашма" сингари спектакллар ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўляпти.

Аскар ИСТАМОВ,

"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"PLATINUM EXPRESS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002793 рақамли;

"ASU TECHNOLOGY" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиши) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002494 рақамли;

"OPTEL PLUS" масъулияти

чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003197 рақамли;

"O'ZALOQAKONSALTING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0004062 рақамли;

"MERTAЕК TECHNO" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиши) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003615 рақамли;

"TELEKOM BUILDING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (транкли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга бе-

рилган АА серияли 0003558 рақамли;

"INTERMIKRO-TELEKOM-SYSTEM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ;

- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятга 2011 йил 6 апрелда берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003600 рақамли;

- кўчма радиотелефон (локал-транкли тизим) алоқа тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятга 2011 йил 6 апрелда берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003601 рақамли;

"ROIQ-MATSUR" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003143 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 27 мартдан тугатилди.

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Ўзбекистон туман ТБ ходими Мўминжон ШОКИРОВНИ 50 баҳорини қарши олашни билан самимий табриклайди. Унга энг эзгу тилакларини йўллайди.



"Xabar" газетасида  
реклама ва эълонлар қабул қилинади.

Тел.: 288-40-72, 288-40-69

E-mail: info@xabar.uz

FIFA.uz акциясида иштирок этаётган "Билайн" абонентлари iPhone 5 ютиб олишлари мумкин.

Xabar  
www.xabar.uz





## ҚИЛИНГАН БИРИНЧИ ҚҰНФИРОҚҚА 40 ЙИЛ ТҮЛДИ

Бу 1973 йил 3 апрелда Нью-Йоркда, хайрат билан қараб турган одамлар кўз ўнгига рўй берди. Motorola ширкатининг ходими Мартин Купер рақиб — Bell Laboratories компаниясининг телефон рақамларини териб шундай сўз бошлаган эди: "Айтчи, қаердан қўнғироқ қилаяман?" — деб қизқикади жаноб Купер рақобатдош ширкатнинг тадқиқот бўлими раҳбари Жозеф Энжелга. Ва сўнгра хурсандчилигидан ичига сиймай: "Мен сенга ҳақиқий мобил телефондан қўнғироқ қилаяман!" дея ўзи жавоб қайтаради.

Бу тарихий кунни эслар экан, Жаноб Купер кулиб шундай дейди: "Мен ҳозир унинг нима деганини эслолмайман, лекин биласизми, мен унинг тишлари ёжирлаб кетганини эшитгандек бўлгандим".

Бу қўнғироқ бежизга эмас эди. Аслида AT&T ширкати, аниқроғи Bell Laboratories 1940 йилларнинг охирида биринчи бўлиб қўл телефонлари кашф этиш гояси билан чиққанди. Купер телефоннинг оғирлиги 1,5 кг.ни ташкил қилиб, ҳозирги телефонларга солиштирилганда жуда баҳайбат туюлса-да, ўша пайтда бу деярли аҳамиятли эмас эди.

Бу воқеа муносабати билан Bell Laboratoriesнинг ходими Ричард Френкел шундай дейди:

"Бу ҳақиқий ғалаба эди. Ўша пайтда биз машиналарда 14 килолик телефонлардан фойдаланар эдик. Шундай телефоннинг бутун имкониятларини бор-йўғи 1 килограммлик телефон орқали амалга оширишни улкан сакраш деб айтиш мумкин эди".

Дастлабки қўл телефони модели Motorola DynaTAC 8000х бўлиб, 22,5 сантиметр ҳажмдаги телефонга икки минг детал сиғдирилган. Тўлиқ зарядли телефон билан 20 дақиқалик суҳбатни амалга ошириш имкони бўлган.

### 30-40 килолик телефонлар

40-йилларда бу гоя жуда жасоратли ҳисобланиб, кашфиётчилар автомашиналарга телефон ўрнатиш фикри билан чекланишганди. Бу телефонларнинг оғирлиги 30-40 килограмм бўлиб, уларни қўлда кўтариб юришни тасаввур қилишнинг ўзи кулғили эди.

1950 йиллардан бошлаб машиналардаги телефонлар ўлчами тобора қисқариб, камроқ ўрин ола бошладди. 1970 йилларда эса уларнинг оғирлиги 12-14 килограммга қамайган эди.

Motorola ширкатининг муҳандиси Мартин Купер 1967 йил Чикаго полицияси учун ўзининг дастлабки қўл рақамларини яратди. Бироқ унинг бу лойиҳаси, шов-шувларга қарамай, кенг мивқсда ишлаб чиқарилмади. Орадан ўн йил ўтгачина, Motorolaнинг омма учун мўлжалланган биринчи мобил телефонлари 1983 йил 6 мартда савдога чиқарилади. У телефон оғирлиги 800 грамм бўлиб, 3,5 минг долларга баҳоланган.

### Ҳашамат ё эҳтиёж

Ўтган тўрт ўн йилликда қўл телефонлари биринчи даражали эҳтиёж воситаларидан бирига айланиб улгурди, дастлабки телефон эгаси бўлган Motorola вақт ўтиб бошқа рақобатдош ширкатларга ўрнини бўшатиб берди.

Бутун дунёда тахминан 7 миллиард мобил телефонлари мавжуд дея ҳисобланади. Улардан Ер юзи аҳолисининг 87 фоизи фойдаланади.

1980 йилларда қўл телефоннинг нархи бир автомашина баҳосига тенг келгани ҳам айтади. Америка матбуоти ёзганидек, қўл телефонга эга бўлиш бизнесменлар учун ҳашамат белгиси ҳисобланса, сиёсатчиларнинг жамиятдаги мавқеи қандайлигининг рамзи сифатида ҳам кўриларди.

Баҳоси 3995 доллар бўлган Motorola DynaTAC 8000хнинг бахтли соҳиблари сўзларига кўра, "дастлабки қўл телефонлари ништни елим қолишга солиб қўйгандек шаклда бўлиб, бир ёнбошида рақамларни терадиган клавиатура турса, тепасидан узун стационар антенна чиқиб турар эди".

Илк қўл телефоннинг асосчиси Мартин Купер 84 ёшга қоралган бўлса-да, хали ҳам шу соҳада фаолият юритади ва уни ҳар доим "мобил телефон отаси" сифатида тилга олишади.

## Аскарлар қасамёди

Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Махсус авария-тиклаш бошқармасида муддатли ҳарбий хизматта чақирилган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Д.Алихўжаев ҳамда Фавқуллода вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи, полковник А.Ариповлар иштирок этишди.



### TADBIR

Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи полковник Ю.Сабилов бўлималардан ҳарбий қасамёд қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида баёнот олганидан сўнг, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ҳарбий қасамёд қабул қилишига буйруқ берилди. Шундан сўнг ҳарбий хизматчилар «она Ватанимиз химояси йўлида, аждодларимиз хоки ётган муқаддас заминнинг ҳар бир қарич тупроғини асраш учун, Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлаш учун тайёрман, дея қасамёд қилинди.

Ҳар йилгидек, бу йил ҳам қасамёд-

га бағишланган тантанادا 21-Меҳрибонлик уйи ҳарбий спорт гуруҳининг болалар ҳарбий оркестри жамоаси ўзининг қизикarli дастурлари билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди ва тантанага ўзгача файз бағишлади.

Ҳарбий қисмга ташриф буюрган ота-оналар фарзандлари учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналари, аскарлар ётоқхоналарини кўздан кечиришиб, бошқарма ва юқори раҳбарият номига ташаккурлар айтишди. Фарзандларининг яхши шароитларда хизмат бурчини ўташи ота-оналарни беҳад мамун қилди.

Ўз мухбиримиз



Дарахтлар оқ, пушти, нафармон гуллардан либос кийиб, кўнгилларни қувончга тўлдирётган, қушлар чуғури сурур бағишлаётган ажойиб кунларнинг бирида "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали жамоаси ҳам Наврўзни катта тантана билан нишонлади.

— Бу йил пойтахтимизда бўлиб ўтган Наврўз байрами танталарининг кенг халқ оmmasига етказилишида алоқачиларнинг хиссалари катта бўлди, — дейди "БРМ" филиали қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Шухратжон Маликов. — Байрам шодиёналари шаҳар кўчалари бўйлаб мониторларда, шунингдек, мобил телефонлар орқали ҳам намойиш этилди. Бу ишларни ташкил этишда алоқа ходимларининг хиссалари катта эканлиги бизни қувонтиради.

Корхонамизда ҳам байрам ҳар қачонгидан кўтаринкироқ руҳда ўтапти. Кўриб турганингиздек, катта қозонда ош дамладик. Байрам дастурхонимизга турли ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Баҳор таомлари, жумладан, сумалак тайёрлашда жамоамизнинг барча аёллари иштирок этишди. Ўтин келтириш ва ёқиб ишларига йиғитларимиз ёрдам беришди. Бу ишларни ташкиллаштиришда, айниқса, ходимларимиздан Рамзиддин Тошўлатов, Гулчехра Бахриева, Гулчехра Акромхўжаеваларнинг хиссалари катта бўлди.

Ҳа, корхонада ёш мутахассислар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари, ўзларидега қобилият ва иқтидорни намойиш этишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Наврўзнинг биргалликда нишонланиши эса ходимлар ўртасидаги жипслик ва ўзаро меҳр-оқибатни янада қучайтиради, албатта.

Муборак МИРКАМОЛОВА

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси "Радиотехника ва радиоолақа" кафедраси профессори Омонжон Абдуазизова акиси — Тошкент юридик институти "Криминалистика" кафедраси профессори, юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

**ФАФУР АБДУМАЖИДОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

"Республика махсус алоқа боғламаси" давлат унитар корхонаси жамоаси Миррахим ва Миркомил Мирносиовларга падари бузрукворини

**МИРҲАЙДАР** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



9 апрел — Соҳибқирон бобомиз  
Амир Темур таваддуғ топган кун



**АМИР ТЕМУР ВА  
БУНЁДКОРЛИК**

Улкан салтанатни барпо этган Амир Темур ва унинг авлодлари фаолиятлари давомида хамиша, ҳар жойда бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлишган. Биргина дунёнинг етти мўъжизасидан бири дея тан олинган Тожмаҳал ҳам Соҳибқирон авлодлари яратган улкан бунёдкорлик намунаси эди.

Бунёдкорлик Соҳибқирон даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Амир Темур фақат ўз мамлакатигагина эмас, балки бошқа юртларда ҳам бунёдкорлик ишларини амалга оширгани бунинг далилидир. Даставвал салтанат пойтахти қилиб белгиланган Самарқандни дунёнинг энг обод шаҳарига айлантирди, улугворлигини кўрсатиш учун атрофида Дамашк, Бағдод, Миср, Шероз, Султония каби дунёнинг машхур шаҳарлари номлари билан аталган, бора-бора кўмишлар кишлоқлар барпо қилдириди.

Мамлакатда йўллар кенгайтирилди, кўприклар солинди, работлар тикланди, бозорлар ортасталди, бинолар қад кўтарди, хиёбонлар барпо этилди, боғлар яшнади. Бу боғлар ҳақида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундаликларида завқ-шавқ билан ҳикоя қилган. Уларнинг ичида Гулбоғ, Боғи Дилқушо, Боғи Чинор, Боғи Нав ва бошқа боғлар номи бор. Самарқандда Кўксарой, Амир Темур жоме масжиди, Бибиҳоним мадрасаси, масжиди, Кусам ибн Аббос меъморий мажмуи, Амир Темур макбараси, Шаҳриабзада Дорут-тиловат мажмуи, мухташам Оксарой, Туркистон шаҳридаги Хोजа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-макбараси, Тошкент яқинида Зангиота макбараси, Наҳри Барлос ариғи, Қобул атрофлари, Фарғона водийси, Мурғоб водийсидаги ерларга, Озарбайжондаги Мурон чўлларида сув чиқарилиши, Шохруҳия, Байлақон шаҳарларининг бунёд этилиши, Табриз, Бағдод ва Гурганж шаҳарларининг қайта тикланиши...

Улуг бобомиз бошлаб берган бунёдкорлик ишлари мустақиллик йилларида янада ривож топди ва топмоқда. Бугунги кишлоқларимиз ва шаҳарларимиз қиёфаси Соҳибқирон бобомиз орзу қилган обод ва фаровон ҳаётдан дарак бериб турибди.

**ХАСБИ ҲОЛ:**

**Д**илбар Носирова Фарғона шаҳрида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар — Гулсум опа ҳамда Отажон ака Фармоновлар хонадонида таваллуд топди. Шаҳардаги ўрта мактабни битириб, 1962 йили Москвадаги электротехника алоқа институтига ўқишга кирди. Ўқишининг охириги босқичини Тошкент электротехника алоқа институтига давом эттириб, 1968 йили олийгоҳни имтиёзли тамомлади ва уни шу ерда ишга олиб қолишди. 1987 йилда олийгоҳ раҳбарияти тавсияси билан Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси марказий кенгашига ишга ўтди. 1989 йилдан Республика олий таълим вазирлигида, сўнгра "Ўзбек-бирлашув" да ишлаб, нафақага чиққан Д.Носирова кейинчалик маҳалла тизимида ҳамда Тошкент шаҳар Тadbirkorлар палатасида жамоатчилик асосида ишлади.



**Дарахт бир  
жойда кўкаради**

дейди галдаги меҳмонимиз, алоқа соҳаси фахрийси Дилбар опа НОСИРОВА

— Дилбар опа, республикамизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш анъана тусига кирди. Бунинг жамият ҳаётидаги ўрнига қандай баҳо берасиз?

— Бу анъана аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишларни маълум бир йўналишга солиш имкони берибди. Йиллар бир-бирини тўлдириб, бир йилда бошланган иш кейинги йилда давом эттирилиб бориляпти. Ўтган йиллар мобайнида кексаларга, аёллар, болалар ва ёшларга эътибор ҳар қачонгидан кучайди. Унлаб замонавий ўқув ва соғлиқни сақлаш муассасалари курилди. Яқинда туғилди ўсган она шахрим — сўлим Фарғонага бориб, у ерда амалга оширилаётган курилиш ва ободонлаштириш ишларидан дилим яйради, хайратим ошди. Обод турмуш йилида юртин обод қилиш йўлидаги ишлар янада кучайишига ишонаман.

— Айтинг-чи, оилалар ободлигини таъминлаш, тинчлигини сақлаш, шунингдек, ёшларни обод-ахлоқли қилиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни қай даражада бўлиши мумкин?

— Бу ишларни амалга оширишда асрий тажрибага эга халқимиз. Қадимдан тарбия борасида бир болага етти кўшни ота-оналик қилишган. Демак, бу борада маълум тажрибамиз бор ва бу яхши иш бериляпти. Бугунги кунда маҳалла кичик ҳокимиятга айланган ва боғча, мактаб, олийгоҳлардан тортиб ички ишлар бўйлиригача маҳалла билан яқин алоқада. Яраштирув комиссиялари фаол ҳаракат қилиб, нотинч оилалардаги вазиятни юмшатишга, болалар тарбиясини яхши томонга бурнишга эришляпти. Шунинг учун ҳам бизда ташкил этилган маҳалла институтига бошқа кўплаб давлатлар ҳавас билан қарашади.

— ТАТУда йигирма йилга яқин талабаларга сабоқ бердингиз. Ана шу йиллар ҳаётингизда қандай из қолдирди?

— О, бу йилларни ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифалари десам, тўғри бўлади. Илмга ташналик, ташкилотчилик, билганларимни бошқаларга ўргатиш қонимда бор эмасми, ўзим учун қадрдон бу илм даргоҳида жону дилим билан меҳнат қилдим. Раҳбарият ёрдами билан 1984 йилда институт ички телевидениесини ташкил қилдим. Ўқитувчи ва талабалардан иборат тахририятимиз аъзолари томонида олийгоҳдаги барча муаммолар телевидение орқали намоиш этилар, ҳар бир қаватга телевизор қўйилган эди. Ажойиб, бири-бирдан қизиқарли кўрсатувлар тайёрлар, уларга устозва мураббийларни тақлиф этар эдик.

— Бугунги кунда ҳаётга энгил-елни қараётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Оқибатда ажрашишлар бўлиб турибди. Бу борада ахборот воситаларининг ва умуман ахборотнинг ўрни қай даражада деб ўйлайсиз?

— Айни пайтда дунё ахборотта шу даражада тўлиб-тошганки, ёшларимизга уларнинг қайси бири фойдали, қайсиниси зарарли эканлигини ажратиш қийин бўляпти. Бу борада педагогларимиз ва ота-оналарнинг синчковлиги, ҳушёрлиги керак бўлади. Токи, бола интернетга кирар экан, қайси ахборотни ўқиш уни чалғитиши мумкинлигини англаб етсин, фарб киноларидаги айрим бузғунчи ғояларга алданиб қолмасин. Бунинг учун маънавиятни оширишга жиддий киришмоқ лозим. Бу борада яна маҳалла фаолларининг жонкуярлиги керак бўлади. Масалан, жиноят қилманг, унинг оқибати аянчли деб минг марта уқтириш ўрнига ёшларни йиғиб, яқинордаги бирорта

жазони ўташ муассасасига ёки саломатликни асраш борасида бирорта шифохонага олиб бориш мумкин-ку!

— Яна ёшлар тарбияси ҳақида. Инсон бир жойда қўнм топиб ишлаб қолганин учун нима қилмоқ керак?

— Бу борадаги тарбияни мактабдан бошламоқ лозим. Боланинг қайси касбга қизиқишини унинг ўқитувчисидан яхши биладиган одам йўқ. Шу сабаб уни тўғри йўлга йўналтира билмоқ лозим. Токи у ўзи қизиққан соҳа бўйича ўқисин, ўзлигини топсин. Қолаверса, ишга янги келган ёш мутахассисга ғам-хўрлик зарур. Ўтказган дарахтингизни алоҳида парваришланмасангиз, яхши ўсмайди, у ердан бу ерга кўчираверсангиз куриб қолади. Ёш мутахассис ҳам шундай, жамоа яқини кутиб олинб, ғам-хўрлик кўрсатса, қийинчиликларини енгиб ўтишида таянч бўлса, у ўша ерда ишлаб қолади. Дарахт бир жойда кўкаради, деб шунга айтадилар.

— Фарзандларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Қизим Гулшан шарқшунос. Ўғлим Бахтжон ота-она касбинини танлаган — алоқачи. "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиалида фаолият кўрсатмоқда. Тўрт нафар неварам бизнинг қувончимиз.

— "Хабар" ўқувчиларига тилакларингиз.

— Газета алоқачиларнинг доимий ҳамроҳига айлансин. Зеро, газета ходимлари зamon талабига мос равишда одим ташлаб, соҳадаги ва хориқдаги энг муҳим воқеаларни ўз вақтида ёритишга ҳаракат қилмоқда ва бу вазифани уддаламоқда.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
сўхбатлашди

<p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: <b>Абдусайд КЎЧИМОВ</b></p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Наширимиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавабгор эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтаини жума кунини чиқаради</p>		<p>"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-452 сонли бузуртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 15750 нуска.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топшириди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навонийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-18-05</p>	<p>Қирғизда 931-08-99</p>